Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 17 август, сешанба • № 95 (25.489).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

«Ўзбекистон — Ватаним маним»

Пойтахтдаги Халқлар Дўстлиги саройида мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллигига бағишланган Ўзбекистон қўшиқ байрамининг кўрик-танлови ғолиблари, совриндорлари, республикамиз санъат усталари ҳамда ижрочи ёшлар иштирокида гала-концерт бўлиб ўтди.

Концерт бошланишида сўзга чиққан маданият ишлари вазири Х.Жўраев мамлакатимизда тўртинчи маротаба ўтказилаётган Ўзбекистон қўшиқ байрами ёш истеъдод эгаларини кашф этиш янги-янги қўшиқлар яратилишида муҳим омил бўлганини таъкидлади. Улар ижросидаги бир-биридан гўзал ва нафис қўшиқлар мавзу жиҳатдан ҳам, ижро жиҳатдан ҳам рангбаранглиги халқимиз нақадар санъатсевар ва истеъдодга бой эканлигидан дарак берди.

Ғани СОДИҚ

Янги фабрика ишга тушди

Истиқлол байрами арафасида Фарғона туманидаги Водил қишлоғида янги ипакчилик фабрикаси ишга тушди. Вилоят «Пилла» бирлашмаси билан тузилган шартномага мувофиқ корхона йилига 200-220 тонна пиллани қайта ишлайди. Бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳон андозаларига мос келади. Унинг биринчи навбати ишга туширилгач, 350 киши меҳнат қилиши учун барча шарт-шароит яратилади.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Муносиб совға

Чимбой туман марказидаги кўп йиллардан бери қурилиши битмаётган бино «Қорақалпоқматлубот» ҳиссадорлик корпорацияси томонидан қайта қурилди. Янги технология асосида «Агросаноатматлубот» корхонаси барпо этилиб макарон, нон маҳсулотлари, қандолат, спиртсиз ичимликлар ишлаб чиқарадиган цехлар барпо этилди. Эндиликда бу ерда соатига 50 килограмм макарон, бир иш навбатида 4,5-5 тонна нон маҳсулотлари, кунига 1000-1200 килограмм қандолат маҳсулотлари, 3000-3200 шиша лимон, тархун каби спиртсиз ичимликлар ишлаб чиқарилмоқда.

Бу мустақиллик кунига муносиб совға бўлди. Йил охирига бориб тузни қайта ишлаш (ош тузи тайёрлаш), балиқ қуритиш, сабзавот концерваси тайёрлаш цехлари, ёрдамчи хўжалик ташкил этилади. Мазкур қурилишга 13 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарф этилди. Бу маблағни 1-1,5 йилда қоплаб, соф фойдага ишлаш мумкин.

Ешимбет РАЙИМОВ

Шахс камолоти – етакчи омил

Республика «Оила» илмий-амалий марказида «Чекмасдан ёшлик гаштини сур» дастурининг II босқичига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда кўтарилган масалалар ёшлар таълим-тарбияси, мустақил шахс сифатида фаолияти, ахлоқий-руҳий сифатлари ва бошқа бир қанча тарбиявий жиҳатларини қамраб олди. Шунингдек, ёшларнинг зарарли одатларга берилмаслиги, хусусан улар орасида тамаки чекишга бўлган интилишнинг олдини олиш борасида ҳам ибратли фикрлар айтилди.

«Чекмасдан ёшлик гаштини сур» мавзуидаги болалар ва ўсмирлар учун таълим-тарбия бериш дастури юртимизда биринчи марта ўтган йилнинг октябрь ва декабрь ойларида амалга оширилган эди. Ушбу дастурни амалга оширишдан мақсад ўқувчиларда ижтимоий билимларни шакллантириш, ижтимоий-муаммоли масалаларда бир тўхтамга келишдир. Шу вақтгача дастурнинг биринчи босқичи якунланиб, иккинчи босқичнинг белгиланган вазифалари ҳам уддаланмоқда. Семинарда республикамизнинг турли вилоятларидан келган педогог-ўқитувчилар қатнашиб, дастурнинг ижобий самаралар бераётганини яқдиллик билан айтишди.

—Ушбу дастур республикамиз таълим-тарбия соҳасида тажриба сифатида жорий қилинган,—дейди дастур яратувчиларидан бири Дилора Шарипова. — Иккинчи босқичда асосий эътибор инсон шахсининг шаклланишига қаратилади. 24 мавзуни қамраган тарбиявий машғулотларимиз, уларнинг шакл ва соатлари тақсимланган. Шундай бўлса ҳам бу борадаги барча фикр-мулоҳазаларни доимо эътиборга олиб борамиз.

Семинар таълим-тарбия ҳақидаги баҳс ва мунозараларга бой бўлди. Энг қувонарлиси эса ҳаммамиз учун бирдек долзарб бўлган таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларнинг рўй бераётгани, тарбия ишига янгича ёндошиш усулларининг куртак ёяётганидир.

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн бешинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 1999 йил 19 август куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 18 август куни соат 9 дан соат 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сиёсий партиялар депутатлар фракциялари ва ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки таркибига кирувчи Олий Мажлис депутатлари диққатига

Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши 17 август куни ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида соат 17 да бошланади.

«Ватан тараққиёти» партияси фракциясининг йиғилиши 18 август куни соат 9.30 да Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг мажлислар залида ўтказилади. Шу куни «Адолат» Социал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши соат 13 да, ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилиши эса соат 15 да Олий Мажлисда ўтказилади.



Она бешикни тебратар,
Бешик болани тебратар,
Бола дунёни тебратар. *Абдурасул ПАРДА олган сурат*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВга

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Биз, турли миллат ва дин вакиллари Фарғона вилоятида мустақил юртимизнинг тинч, эркин фуқаролари сифатида Ватанимиз мустақиллигининг саккиз йиллигини катта кўтаринкилик, фахр ва қувонч билан кутиб олиш руҳида яшаб, меҳнат қилаяпмиз. Ўтган саккиз йил жонажон Ўзбекистонимиз тарихида, халқимиз ҳаётида мисли кўрилмаган даражадаги буюк воқеаларга, моҳиятан асрларга татигулик даври давронларга тенг бўлганлигини мамнуният билан таъкидлаймиз. Иқтисодий, ижтимоий ва барча жабҳалардаги ижобий ўзгаришлар мустақиллигимиз салоҳиятини оширибгина қолмай, мамлакатнинг дунёдаги обрў-эътиборини янги поғоналарга олиб чиқди. Айниқса, ғаллакорларимизнинг улкан муваффақияти, нефть мустақиллигига тўлиқ эришганлигимиз, пахтакорларнинг юксак хирмон учун тинимсиз кураш олиб бораётганликларини кўриб, бу юртнинг келажаги порлоқ эканлигига тўлиқ ишонч ҳосил қиляпмиз. Бу оламшумул ютуқларнинг барчаси Сизнинг бевосита раҳбарлигингиз ва раҳнамолигингиз туфайли амалга оширилаётганлигини турли динларга мансуб диндорлар ҳам алоҳида фахр ва ғурур билан қайта-қайта такрорлашмоқда.

Халқимиз бугунги кунда ҳурлик, озодлик нашидасини ҳар доимгидан яхшироқ ҳис қилмоқда. Биз, турли динга мансуб диндорларга ибодат ва маросимларни бемалол, эмин-эркин бажаришимиз учун барча шароитларнинг яратиб берилганлигини қутлуғ байрам арафасида алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли, деб ҳисоблаймиз.

Яратиб берилаётган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб кундалик намозларда, ибодатларда ва бошқа диний маросимларда Сизнинг номингизга дуои хайрлар қиляпмиз. Сизга чин қалбдан узоқ умр, сиҳат саломатлик, куч-қувват тилаймиз.

ТУРДИЕВ У. — Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Фарғона вилоятидаги вакили
КИМ Ч. К. — Фарғона шаҳар инжилчи-христианлар «Надежда» ибодатхонаси пастори
УХАНОВ М. В. — Фарғона шаҳар «Еттинчи кун адвентистлари» христиан-черкови пастори ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 17 августдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	86,21
1 Австрия шиллинги	10,27
1 Англия фунт стерлинги	213,56
10 Бельгия франки	35,04
1 Голландия гульдени	64,14
10 Греция драхмаси	4,33
1 Дания кронаси	19,01
1 БАА дирхами	36,05
1 АҚШ доллари	132,39
1 Миср фунти	38,77
10 Испания песети	8,50
100 Италия лираси	7,30
1 Канада доллари	89,24
1 Хитой юани	15,99
10 Люксембург франки	35,04
1 Малайзия ринггити	34,84
1 Германия маркаси	72,27
1 Польша злотийси	33,81
1 СДР	179,99
1000 Туркия лираси	0,30
1 Финляндия маркаси	23,77
1 Франция франки	21,55
1 Швейцария франки	88,31
1 ЕВРО	141,35
10 Жанубий Корея вони	1,10
10 Япония иенаси	11,53
1 Россия рубли	5,32
1 Украина гривнаси	28,49

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Тўқнашувлар давом этмоқда

Косовода этник гуруҳлар ўртасидаги тўқнашувлар ҳамон давом этмоқда. Маълумотларга қараганда, ўтган шанба ва якшанба кунлари ўлканинг бир неча ҳудудида шундай нохуш ҳодисалар бўлиб ўтган.

Улардан бири Германия ҳарбийлари назоратида бўлган Зюм қишлоғи яқинида юз берди. Қуролланган уч нафар номаълум шахс диний байрамлардан бирини нишонлаётган аҳолига ҳужум уюштиришга ҳаракат қилди. Бироқ назоратда турган немис ҳарбийлари уларга қаршилик кўрсатди ва икки ўртада отишма рўй берди. Шу куни Косовска-Митровиц шаҳарчасида ҳам албанлар билан серблар ўртасида тўқнашув бўлиб ўтди. Унинг натижасида икки нафар серб яраланди. Француз ҳарбийлари айбдорларни ҳибсга олиб, ярадорларни тезда шифохонага жўнатди. Шунингдек, АҚШ ҳарбийлари ҳам ўз назоратидаги ҳудудларда бир неча жиноятчини қўлга туширди.

Аннаннинг даъвати

БМТ Бош котиби Кофи Аннан дунё ҳамжамиятини Африка мамлакатларидаги мавжуд можароларни ва табиий офатлар талофатини бартараф этиш борасида иқтисодий ёрдам кўрсатишга даъват қилди. Қитъанинг айрим давлатлари ўз муаммоларини ечишга ожизлик қилмоқда, натижада халқнинг турмуш даражаси борган сари пасайиб бораётир, деди у.

Кофи Аннаннинг баёнотида айтилишича, айни пайтда Анголадаги фуқаролар урушидан кунига 200 киши нобуд бўлмоқда, икки миллион кишининг эса ҳаёти хавф остида ва улар шошилинч инсонпарварлик ёрдамига муҳтож. Сомалида эса бир неча йилдан буён давом этиб келаётган нотинчлик ҳамда табиий офатлар туфайли бир миллиондан ортиқ киши очнаҳор ҳолда кун кечирмоқда. Бурунди, Конго, Гвинея-Бисау ҳамда Сьерра-Леонедаги вазият ҳам қувонарли эмас.

Аср вабоси қурбонлари

Кенияда организмда иммунитет танқислиги синдромидан (ОИТС) бир кунда 420 киши нобуд бўлмоқда, деди мазкур мамлакат президенти Даниэл Арап Мои. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига қараганда, ўтган йили дунё бўйича ОИТСдан 2,5 миллион киши нобуд бўлган бўлса, уларнинг 1,83 миллионини Африкаликлар ташкил қилган. Айни пайтда ОИТСга чалинганларнинг учдан икки қисми ҳам Африка мамлакатларида яшайди.

Сессия олди учрашувлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, 1999 йилнинг 19 август кунида очилиши белгиланган, навбатдаги XV сессияси, мамлакатимиз ривожини таъминлашга доир, қатор қонунлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқади. Бундан ташқари, мазкур сессия ўз фаолият муддатини тугаллаётган парламент йиғилишларининг якунийсидир.

Сессия арафасида, 102-Янгиқўрғон сайлов округи сайловчилари вакиллари билан, ушбу округдан Олий Мажлисга депутат, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг учрашувлари бўлиб ўтди.

13-14 август кунлари Янгиқўрғон шаҳарчаси ва Чортоқ туманининг Ҳазратишох қишлоғидаги учрашувларда депутат йиғилганларни Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 1995-99 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот билан таништирди, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар сиёсатининг, жумладан унда маънавият соҳасига берилаётган эътиборнинг, мазмун-моҳияти ҳақида гапирди ва парламентнинг XV сессияси кун тартибига киритилиши кўзда тутилаётган қонун ҳамда қарорлар лойиҳаларини шарҳлаб берди.

Учрашувларда сўзга чиққанлар мамлакат йўлбошчиси олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни қизғин маъқуллади, Олий Мажлис ва унинг раҳбариятининг 1995-99 йиллардаги фаолиятини ижобий баҳоладилар ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг равнақини таъминлаш йўлида ўз кучғайратларини аямасликларини билдирдилар.

Йиғилишларда Чортоқ тумани ҳокими Б. Ҳайдаров, Янгиқўрғон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Валиев, Ўзбекистон ХДП Наманган вилояти кенгашининг биринчи котиби Ҳ. Убайдуллаев иштирок этдилар.

МаҳмуджонПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Эътироф

Уве Шайдеманн: «Ўзбекистон жозибали диёр экан»

Сурхон воҳасида бўлиб ўтган республика тадбиркорларининг семинар кенгашида хорижий меҳмонлар ҳам иштирок этишди. Меҳмонлар «Ўзбекистонда тадбиркорлик муаммолари ва истиқболлари» мавзусида фикр ва тажриба алмашдилар. Термиз шаҳридаги ва Музработ туманидаги «Меҳнат-роҳат» хусусий корхонасига қарашли корхоналар фаолияти билан батафсил танишдилар. Биз Германиянинг «Ост Консалтинг» фирмаси вакили Уве Шайдеманн жаноблари билан суҳбатда бўлдик.

— Сизнинг фирмангиз ишлаб чиқаришнинг қайси тармоқлари бўйича технологиялар етказиб беришга ихтисослашган?

— Фирма қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, техник жиҳозлаш билан шуғулланади. Ана шу соҳа бўйича лизинг асосида технологиялар, беш йил муддатга жиҳозлар бериб ҳамкорлик қилишимиз мумкин.

— Жаноб Шайдеманн, Ўзбекистон тадбиркорлари билан бемалол ҳамкорлик қилиш мумкин эканлигига сафарингиз давомида қандай тасаввур ҳосил қилдингиз?

— Мен Германиядан Тошкентга келдим ва бу семинар-кенгашни эшитиб тўғри Термизга қараб учдим. 1-2 кун ичида тадбиркорлар ҳақида аниқ фикр айтиш қийин, лекин биз уларга, агар мурожаат қилишса, янги техника ва жиҳозлар етказиб беришга тайёрмиз.

— Сурхон воҳасининг кўплаб тадбиркорлари билан учрашдингиз. Кўп қатори «Меҳнат-роҳат» хусусий корхонаси амалга ошираётган ишлар билан танишдингиз. Сизда тадбиркор Қ. Амирқуловнинг фаолияти қандай таассурот қолдирди.

— Сизлардаги кўп нарсалар Германия тадбиркорлари, фирмалари ва фермер хўжаликлари учун хос эмас. Фарқи шундаки, биздаги фирмалар бир-икки соҳа билан шуғулланишади. Гувоҳ бўлиб турганимиздек, Қурбон Амирқулов фирмасида ишлаб чиқаришнинг бир неча турлари мавжуд экан. Жумладан, гўшт, сут, буғдой, пахта, лимон, ун, нон маҳсулотлари гуруч, омухта ем, бундан ташқари, бир қанча қурилиш ишлари ҳам мавжудлигини билдик. Агар тадбиркор бир икки соҳа билан шуғулланса ишни қиёмига етказади ва у ишлаб чиқарган маҳсулот харидорлари орасида хорижлик талабгорлар ҳам тезда пайдо бўла бошлайди.

— Жаноб Шайдеманн, Сиз айрим тарихий жойларни ҳам кўрдингиз. Шу ҳақда фикрингиз?

— Юртингиздаги тарихий ёдгорликлар жуда яхши. Энг муҳими, шу пайтгача авайлаб асралган. Бу нарса Ўзбекистонда инфратузилмани ривожлантиришга бемалол асос бўла олади. Аввало, юртингизни оламга танитиш, инфратузимини ривожлантириш учун туризмни яхши йўлга қўйиш керак. Бу ўз навбатида транспорт муаммосини келтириб чиқаради. Ўзбекистондай мамлакат учун бу тезда ҳал бўладиган нарса, деб ўйлайман.

— Фирмангиз неча йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик тарихи ҳақида тўхталиб ўтсангиз?

— «Ост Консалтинг» фирмамиз 20 йилдан буён қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарга жиҳоз ва технология бериш, ночор корхоналарни молиялаштириш билан фаолият юритиб келмоқда. Мана уч йилдирки фирмамиз Ўзбекистонда ҳам фаолият кўрсатаяпти.

— Фирмангиз тавсия этаётган технология ва жиҳозлар сифатига қандай кафолат бера оласиз?

— Бир сўз билан айтмоқчиманки, Германия технологиясидан шубҳаланишга ҳеч қандай асос йўқ. Биз жаҳон истеъмолчилари ва ҳамкорларимиз томонидан кўп йиллик фаолиятимиз давомида ишонч қозонганмиз.

— Жаноб Шайдеманн, сиз машҳур фирмадаги иккинчи одам экансиз? Агар мумкин бўлса, ўзингиз, оилангиз ҳақида айрим маълумотларни айтсангиз?

— Мутахассислигим — молиялаштириш. Турмуш ўртоғим ҳам олий маълумотли иқтисодчи. 34 ёшдаман, 5 йил бўлди уйланганимга. 2 та фарзандим бор.

— Биздаги экологик шароит, об-ҳавога рағбатингиз қандай эканлигини билмоқчи эдим?

— Биздаги иқлим шароити билан бу ердагини таққослаб бўлмайди. Германия жуда салқин. Бу ер иссиқ эканлигини ҳис қилдим. Умуман Ўзбекистон сехрли, жозибали диёр экан.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Абдурасул ЖУМАҚУЛ суҳбатлашди.

Оқсил касаллиги хуружи

Долзарб мавзу

Давлатлараро эпизотик қўмитанинг маълумотига кўра, бугунги кунда Туркия, Эрон, Арманистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон давлатларининг чорвасига оқсил касаллиги кенг тарқалган. Мазкур касалликка қарши кураш қўшни мамлакатларда оғир кечаётганлиги боис чорвачилик маҳсулотлари ва озуқаларини республикамизга киритилиши вақтинча тўхтатиб қўйилди.

— Оқсил ёки яшур касаллиги юқумли бўлиб, уни фильтрланувчи вирус қўзғатади, — деди мухбиримиз билан суҳбатда Тошкент вилояти ветеринария бошқармаси бошлиғи Муҳаббат Орифжонова. — Вирус касал ҳайвоннинг сўлаги, сийдиги, ахлати, сути орқали ташқи муҳитга ажралиб чиқади ва юқади. Бундан ташқари, туёқнинг юқори қисмидаги тери, туёқлар ва елин орқали бошқа ҳайвонларга ўтади. Касалликка чалинган жониворларнинг 80-100 фоизи ўлади.

Вилоятимиз ҳудуди Қозоғистон ва Тожикистон билан чегараланиши ҳамда асосий автомобиль йўллари ҳудудимиздан ўтиши оқсил касаллигига қарши курашни бирмунча қийинлаштиради.

Касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида Қибрай, Чиноз, Зангиота, Бўстонлиқ, Тошкент, Бўка, Пскент, Бекобод туманлари Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарларининг чегарага яқин қишлоқларидаги барча чорва моллари тўлиқ эмланиб, — ҳимоя зоналари ташкил этилди. Бироқ, вилоятимиз ҳудудини тўла хавфсиз зонага айлантиришдаги асосий муаммолардан бири чорва моллари профилактик эмлашга зарур маблағнинг етишмаслигидир. Айни кунгача оқсил касаллигига мойил барча қорамоллардан 60 фоизи, эмланган, холос. Молларнинг ветеренария ҳужжатларисиз сотилаётганлиги, бозорларда ва божхона постларида ветеринар врач иш ўринларининг йўқлиги, маҳаллаларда уй ҳайвонларининг сони ҳақида нотўғри маълумот берилиши касалликка қарши курашда қийинчилик туғдиряпти.

«Туркистон — пресс»

Таъсис конференцияси

Нукусда Маънавият ва маърифат республика кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда кенгаш аъзолари сайланди. Маънавият ва маърифат республика кенгашининг раиси этиб Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси Т. Камолов сайланди.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Маънавият ва маърифат кенгашининг раиси Х. Кароматов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси А. Тажиев, ЎзХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг биринчи котиби А. Асанов қатнашдилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Август — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой



Айни кунларда барча вилоятлардаги каби Хоразм вилоятининг туманларда ҳам ғўза парваришига катта аҳамият берилмоқда. Шу жумладан, Янгиариқ туманидаги Гулистон ширкатлар хўжалиги жамоасининг ғўзага ишлов бериш ишларини намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Улар бу йил 801 гектар майдондан 2377 тонна пахта ҳосилини олиш ниятида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ҳозирда хўжалик далаларида ғўза қатор оралари учинчи бор парваришланаяпти. Хусусан, 14 та культиваторнинг ҳар бири кунига 8-10 гектардаги ғўзага ишлов бермоқда.

Суратларда: бригада бошлиғи Озод Каримов, хўжалик раиси Отабек Бекжонов ва механизатор Ғайрат Сапаев ғўза парваришини кўздан кечиришмоқда ҳамда ғўзаларга ишлов бериш пайти.

Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

Миллий кадр ва психология

Мутахассис шарҳи

Илгари биз **ижтимоий ривожланиш** ёки **иқтисодий ривожланиш** атамаларини кенг равишда истифода этардик, аммо ҳозир **башарият ривожи** деган тушунча кенг қўлланилмоқда. Бу ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий масалаларни ўзида бирлаштиради, жамлайди.

Бугун башарият ривожи тушунчаси кишилар ҳамжамиятининг туб мақсади ва моҳияти, уларнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги тақдир аъмоли муштарак эканлигини англатади. Демак, бу ўринда одамлар имкониятини тўлақонли фаол ҳаёт кечиришлари мумкин бўладиган даражада кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Ушбу ҳолнинг туб мақсади маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборат эмас, балки одамлар узоқ ва соғлом ҳаёт кечириши, жаҳон билимлари ва ахборотлари заҳираларига эришиши, жамиятнинг маданий ҳаётида фаол қатнашиши, жамият тараққиётига таъсир қиладиган қарорлар қабул қилинишида иштирок этиш имконига эга бўлишидир.

Шу муносабат билан жаҳон сиёсий иқтисодида ҳозирги вақтда **башарий капитал** тушунчаси ҳам пайдо бўлаяпти. Бу эса инвестициялар йўналиши ва характери ўзгаришини қамраб олади. Ҳозирги вақтда шу нарса аниқланадики, башарий капитални шакллантириш ва инвестицияларни қоплай олиш кўп ўринларда ишлаб чиқариш ёки табиий инвестицияларга нисбатан жуда юқоридир. Иқтисодчилар таъкидлаган башарий капиталга қилинган инвестициялар маблағларни тежаш, яъни, одамларнинг билими ва тажрибаси, уларнинг замонавий ютуқларни истифода этишда қимматбаҳо ускуналар ва табиий ресурслар етишмаслигининг ўрнини қоплаши мумкин. Энди яққол кўриниб турган нарса шуки, яхшилаб ўйлаб қилинган башарий ривожланиш стратегияси яхши ижтимоий-иқтисодий муҳитни бунёд этиши ва узоқ муддатли ривожланишга ёрдам бериши мумкин.

Башарий ривожланиш ва кишилар ҳамжамияти ривожининг янги стратегияси раҳбар кадрларнинг янгича фикрлашларини ва уларнинг ижтимоий-психологик жиҳатдан қайта тайёрлашни талаб қилади. Ўзбекистон жаҳон таркибида мустаҳкам ўрин олди. Унинг рейтинги жуда юқори. Шу боис барча дунёвий жараёнларда унинг келажак сари интилиши сезилиб турибди.

Истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ республикамизда халқимизнинг маданий потенциалини ривожлантириш, одамлар онгида одоб-ахлоқ ва маънавий қадриятларни мустаҳкамлаш вазифаси қўйилганлиги тасодифий ҳодиса эмас, албатта. Бизнинг аждодларимиз кўп асрлар мобайнида яратган улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросларимиз давлат сиёсати даражасига кўтариб чиқилди. Шу билан биргаликда, маънавий бойликларни қайта тиклаш, айни замонда умумбашарий қадриятларга мослаштириш асосий вазифамизга айланди.

Шу нарса эътироф этилганки, миллий маънавий қадриятлар умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштирилгандагина жамиятнинг олға силжишини таъминлаш мумкин. Тадбиркорлик, очиқ савдо, ижтимоий адолат, ўзгалар фикрига нисбатан ҳурмат билан қараш бизнинг юртимизда ҳам тарихий илдизларга эга. Бу ҳол ҳозирги кунда ҳам раҳбар ходимларимиз учун таянч нуқтаси бўлиши мумкин. Иккинчи томондан бозор иқтисодиёти муносабатларини дунё миқёсида кенгайтириш маданий алоқаларни ривожлантириш ва биринчи навбатда, муассасалар, корпорациялар раҳбарларига, акцияларнинг эгалари фаолиятига таъсир қилиши муқаррар. Шунинг учун ҳам бу жараёнларни бошқаришни билиб олиш, раҳбарларимиз эса улардан энг муҳимларини фаол равишда қабул қилиб олишлари зарур.

Шунинг учун башарий ривожланиш доирасида раҳбар ходимлар психологиясини индивидуаллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бу сўз индивидуаллаштиришни ривожлантириш, яъни, раҳбарларнинг шахсий қиёфасини, шахсий сифатларини индивидуаллаштириш демакдир.

Бозор иқтисодиёти ва тараққий топган хусусий тадбиркорлик ривожланган давлатларда тадбиркорнинг меҳнат ва тафаккур мезони энг кўп фойда олиш билан белгиланади.

Бизнинг мамлакатимизда бир мунча ўзгача жамият барпо этилмоқда. Унинг модели, назарий тузилиши республикамизда ишлаб чиқилган. Бозор — аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, демократик институтлари мавжуд бўлган кучли марказлашган давлат бунёд этиш асосий масала сифатида эътироф этилган. Демак, юқори савияли ходимлар ва раҳбарлар фаолиятини фаоллаштириш буни янгича шаклланаётган оммавий онг билан уйғунлаштириш даркор.

Бу бозор муносабатлари ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши кўтарилаётган ўтиш даврида жуда ҳам муҳим. Зеро, бу пайт раҳбар қатламлар ҳам ўсиб бормоқдаки, уни машҳур Америка иқтисодчиси Кеннед Гелбрэйт техник тузилма деб атаган эди. Бизда улар раҳбар кадрлар дейилади. Бу ишлаб чиқариш тузилмаларини бошқариш асоси ҳисобланадиган жамоа бирлигидир. Бунда — бошқарувчи раҳбарлар, ўзлари корхона акцияларига эга бўлмасалар ҳам, бироқ корхонанинг даромадли ишлаши учун шароит яратадилар, режалаштирадилар, янгиликлар киритишни жорий қиладилар, сармоя сарфлашни белгилайдилар ва амалга оширадилар, бозор ахтарадилар, маҳсулот сотишни ташкиллаштирадилар. Умуман улар корхонанинг даромадли ишлаши устида меҳнат қиладилар.

Биз илгарилари раҳбарнинг касбий тайёргарлигини, унинг техник билимларини асос қилиб олардик, аммо кўп нарса унинг психологик хусусиятлари ва характери билан боғлиқ эканлигини унутиб қўярдик. Раҳбар нафақат ишлаб чиқаришни билиши, айни чоғда унга барча имкониятларини сафарбар қилиши зарур. Бу эса олий ўқув юртларида, коллежларда ва лицейларда раҳбарнинг психологик тайёргарлигини ташкил қилиш зарурлигидан далолат беради.

Фақат кучли индивидуал характерли шахсларгина бизнинг жамиятимиз ривожига ҳал қилувчи ҳисса қўшишлари мумкин.

Бизнинг олдимизда Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга оширишдек буюк вазифа турибди. Миллий дастурнинг ҳар бир масаласи тўлиқ бажарилиши зарур. Дастурда инсоннинг қобилиятини ошириш ва турли туман таълимий эҳтиёжларини қондириш, умумбашарий қадриятларнинг устуворлигини таъминлаш ҳақида сўз боради. Бу деган сўз, дастур башарий ривожнинг замонавий концепциясига тўлиқ мувофиқ эканлиги ва кишилик ҳамжамияти ривожининг дунёвий йўналишларига мос равишда жамиятимизнинг олға ишонч билан силжишига имкон яратади.

Таълимни индивидуаллаштириш унинг психологик асосларини тўлиқ ҳолда таъминлай олганимиздагина, яъни, таълим психологиясининг барча асосий қонунларини истофада этолганимизда тўлиқ амалга ошади деган фикрдаман.

Гулчеҳра ОХУНОВА,
профессор

Тадбиркор «Бахт уйи» қурди

Ғиждувонлик ака-ука тадбиркорлар Соли ва Салим Абдуғайровлар Мустақиллик байрамига муносиб совға ҳозирладилар. Улар шаҳар марказида халққа хизмат кўрсатаётган спорт мажмуи ва бир неча маиший бинолар қаторига «Бахт уйи» кошонасини бунёд этдилар. Эндиликда бу замонавий бинода янги оила қурадиган ёш-йигит қизларнинг никоҳ маросимларини ўтказиш анъанага айланади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Дарвозасиз уй

Лўқма

У беш йилдан буён давом этяптию, аммо орани очиб, муаммони холисона баҳолайдиган мард топилмаяпти.

— Бу ҳақда туман раҳбарларига ва ҳокимимиз Тилло Менглиев қабулида бўлиб, ёрдам беришларини сўрадим, — дейди М. Қурбонов, — Жонларига тегдим шекилли, охири: қаерга ёзсанг ёзавер, барибир хатинг бизнинг столимизга қайтиб келади, деган жавобни эшитдим. Иш шу зайлда давом этаверса, ҳали бу муаммо кўп қовун пишиғини кўрадиганга ўхшайди. Нима қилишни билмай, охири сизларга мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Зора... ёрдамларингиз тегса.

...Маманазар Қурбонов билан ҳовли-жойни кўздан кечирамиз. Аслида отахон бу уйни 1995 йилда ўғли Жуманазарга сотиб олиб берган.

— Кўриб турганингиздек, ҳозир бу ерда яшашнинг иложи йўқ, — деди у. — Кун иссиқ, ҳовлидан қўланса зах ҳиди келади. Қолаверса, бу ерда пашша-чивин, ҳашаротлар кўп. Қиш ва баҳор ойларида эса сув ер юзасига чиқиб, «орол» пайдо бўлади.

— Бу уйни бузиб, қайта қурсаларингиз бўлмайдими, — сўрайман Маманазар отанинг кичик ўғлидан.

— Эҳ, қанийди... Ниятимиз ҳам шу. Лекин, унга етолмаяпмиз. Беш сотих атрофида бўлган ҳовли-жойимиз кўшниларнинг уйларига қараганда 1,5-2 метрлар чамаси чуқурликда қолиб кетган. Бир сўз билан айтганда косанинг «ичида»миз. Жойларни тупроқ, шағал тош билан тўлдириш зарур. Шундан кейин эски уйни бузиб, янги ҳовли-жой қурмоқчимиз-у... афсус, юк машина ҳовлига кириши учун дарвоза йўқ.

Бу эшитган қулоққа кулгили. Аммо, гапнинг рости ҳам шу. Дарвоза йўқ. Унинг ўрнида ҳовлининг кўча қисмини Ҳамидулло Мусурмонқуловнинг сабзавот дўкони эгаллаб, уйга «кўрк» бағишлаб турибди. Бу дўкон 1996 йил 20 майда Денов шаҳар ҳокимининг қарори билан Ҳамидулло Мусурмонқуловга хусусийлаштириб берилган. Ўша пайтларда у кўчма тарзда бўлган. Аста-секин эса бу жой бутунлай эгаллаб олинди. Бу ишда шаҳар бош меъморининг ҳам ўзига яраша «улуши» бор.

— 1997 йилда дўкон эгасига 18 кв. м. ер майдони ҳам берилди — дейди Маманазар ота — Зора, дўконни кўчирар, деган умидда унга 8 минг сўм пул бердим. Афсуски, эски ҳаммом, эски тос деганларидай ғавғо ҳанузгача давом этяапти.

— Умр ҳам ўтиб бораяпти, болам. Яхши ниятда шу эски уйни сотиб олувдим. Оталик бурчимни бажариб, ўғлимга янги уй қуриб берай девдим-да...

Инсон қадри ҳар нарсадан устун. Қолаверса, қачонгача юқори ташкилотлардан буйруқ кутиб яшаймиз? Наҳотки, оддий муаммони ҳал қилиб бериш Денов туман раҳбарларига шунчалик оғирлик қилса?

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Кўзлардаги нур

1999 — Аёллар йили

— Нима бўлса ҳам, опанинг навбатчилигига тўғри келай.

— Бахтингда қизим.

Туғуруқхонага йўл олган ҳар бир аёлнинг орзуси шу. Улар қўли енгил шифокор опаларига ўзларини ишониб топширишади. Баъзилар эса, опа навбатчи бўлмасада, туннинг хоҳлаган пайти, у кишини чақиртиришади.

Ташқарида тонг ота бошлайди. Бу сукунатни энг аввало гўдак йиғиси бузиб юборади. Ҳорғин, бироқ табассум билан опа уйига қайтади. Шу хилда ўтаётган кунлар, ҳаловатсиз тунлар, унинг умр дафтарининг ҳар бир саҳифасида нурли из қолдиради.

Ҳаёт ўз маромида давом этади. Чинқириб дунёга келаётган гўдак, оналик бахтига муяссар бўлган аёл, фарзанд кўриш суруридан маст ота, қувончлар, изтироблар, азоблар, ҳамиша опага шерик.

У қўёшни севади. Туни билан тўлғоқ азобида қийналган аёл, уфқ қизара бошлаганда, оппоқ тонг оламни ёритаётганда, азоблардан қутилиб гўдагини бағрига босади.

Умр оқар сув деганлари шу бўлса керак, опа умрининг салкам ўттиз йилини шу таҳлитда ўтказди.

— Биласизми, ҳаётда қувонч ва ташвиш бирга қадам ташлайди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам сизнинг истиқболингизга югуради. Лекин Оллоҳ насиб этиб сиз қувонч томонга қараб юрасиз. Лекин бу ҳаётку, баъзан қайғу билан ҳам юзма-юз келишга тўғри келади. Мана шу дақиқалар жуда кам бўлса ҳам юракни, асабни емиради. Сиз истамаган туйғулар ҳам борлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Ташвишлардан, қайғулардан, ўзингизни эмас, аёлни, унинг гўдагини эсон-омон олиб ўтиш учун курашасиз. Ҳа ҳаёт айниқса, шифокорнинг ҳаёти мангу курашлардан иборат экан. Ҳамиша қўлингиз баланд келишини истайсиз. Ҳамиша, туғилаётган гўдак учун, уни дунёга келтираётган аёл учун ўзингизни жавобгар ҳис этасиз. Сиз икки жоннинг умри учун жавобгарсиз. Касбимизнинг машаққатли ва масъулиятли томони ҳам мана шунда. Одамларнинг қувончларига, таҳсину, дуоларига сазовор бўлишнинг ортида мана шундай қийинчиликлар ётади. Бу йўл чексиз, машаққатлидир. Меҳнат, уқубат, заҳмат, роҳат бир умр ҳамроҳингиз бўлади.

— Мен ҳамма вақт, бир туйғуга ишониб яшайман бу ҳам бўлса меҳр, муҳаббат, адолат тушунчаларидир. Аслида оламнинг таянчи ҳам, одамнинг илинжи ҳам мана шу туйғулардадир.

1. Минглаб Меҳринисолар бор

— Ўнлаб, юзлаб умидсиз ёшлар, эшигимдан кириб келишади. Кўзларида ёш, фарзанд кўрмаётганларидан дилари тўла изтироб. Аввало Оллоҳнинг иноятн, сўнгра тиббиётнинг хизмати туфайли, бу ёшлар бизда даволаниб, фарзандли бўлиб кетишади. Ана шунда, ўларнинг кўзларидаги, юзларидаги кулгуни, қувончни кўриб, биз ҳам қувонамиз. Мана шу шодликлар ортидан эргашиб, умрнинг қандай ўтганини билмай қолар экансиз.

— Беихтиёр эшитиб қоламан, — қизингиз Меҳринисонинг никоҳ тўйи, албатта борасиз опажон, — дея илтижоли тикилиб туришади. Мен эса ҳаяжонда Меҳринисо қизларимнинг қайси бири эканлигини билолмайман. Чунки 30 йил ичида, гарчи нокамтарлик бўлса ҳам айтишим керакки, минглаб жажжи Меҳринисолар дунёга келишган. Мени ҳурмат қилиб исмимни ёқтиришиб, фарзандларига шу номни беришган экан, бу менга фақат масъулият эканлигини ҳис этиб яшайман.

— Опажон, қиз туғилса, албатта сизнинг исмингизни қўяман. Меҳринисо бўлади унинг исми.

— Раҳмат қизим, эсон, омон қутилиб олсангиз бўлгани. Исми бир гап бўлар.

Ҳа, Каттақўрғонда минглаб Меҳринисолар бор.

2. Қўғирчоғини операция қилган қизча

— Раҳматли онам айтардилар. Болалигимда қўғирчоғим бўлар экан. Мен унинг ичини мудом очиб кўришга қизиқар эканман. Мактабни тугатганимда, менда битта мақсад бўлган, у ҳам бўлса, шифокор бўлиш. Ушбу орзуим, мени Самарқанд томон етаклади. СамМИнинг даволаш факультетига ҳужжатларимни топшириб, кириш имтиҳонларидан ўтганимдан кейин институт талабаси бўлдим. Нимагадир кўз шифокори бўлишга қизиқардим. Лекин онамнинг тавсияси билан акушер-гинеколог соҳасини танладим. Онам ҳамиша, касбимдан фахрланардилар. Мени чақиришса, тунда навбатчи бўлсам, онам ҳам тунни бедор ўтказардилар. Қувончимдан-қувоним ғамқайғумни бирга тортган онамнинг руҳлари олдида ҳамиша, ўзимни қарздор деб ҳис этаман. Баъзан жуда қийналган, вақтларим бўлган, ўшанда нимага бирорта осонроқ касбни танламадим, деб ўйлаганман. Лекин ҳамма вақт, онамнинг нурли сиймолари кўз олдимда гавдаланаверган. Бугун қийинроқ, эртага осонроқ бўлар эканми аста-секин шу касбга меҳр қўйдим. Орадан йиллар ўтиб, шуни англаб етдимки, шифокорлик ва мен ажралмас бир бутунлик эканмиз. Энди ундан ўзимни айри тасаввур этолмайман. Шифокорлик шундай касб эканки, бунда қанча билсанг ҳам кам. Бунда фақат, ўз устингда ишлашинг, тинимсиз ўқиб изланишинг керак. Фақат институтда олган билим билан қаноатланиб бўлмайласан. Демак ҳар куни, ҳар соатда ўз устингда ишлашинг керак. Ушбу касбда, ҳаловат бўлмайди. Фақатгина шунга бардош бера олган инсонгина ҳурмат, меҳр қозона олиши мумкин. Иш тугаб уйга қайтаётганимда бунинг гувоҳи бўламан.

Қўғирчоғини операция қилган қизча, бугун катта шифокор, унинг қўлидан шифо топганлар, опани тунукун дуо қилишади. Илк бора оналик бахтига муяссар бўлганлар, барча-барчаси опани алқашади.

3. Бедорлик

— Менинг учун жуда кўп туйғулар, иккинчи даражали бўлган. Бу касбимиз тақозоси. Байрамлар, дам олиш кунларини, биз унутиб юборганмиз, 24 соатгача ишлашга тўғри келади. Биринчи йил институтни тугатиб келганимда, кичкинагина туғуруқ бўлими бор эди. Уни янги бинога кўчирдик ва 90-йилларга келиб, замонавий усулда қурилган туғуруқхона бўлими ишга туширилди. Гинекология бўлимини очишда қанча қийналганмиз, ҳатто берилган бинони укам таъмирлаб берган. Ушбу соҳада бугун туманимизда нимадир қилинган бўлса, шунда ўзимнинг ҳам ҳиссам борлигидан фахрланаман. Бугун ўйлаб кўрсам, умримнинг энг мазмунли дақиқалари мана шу бўлимда ўтибди. Туғуруқ бўлимини вилоятдаги энг намунали бўлимга айлантирдик. Менинг энг катта ютуғим шу — бўлимимиз жамоасидир. Мана шуларнинг заҳматлари эвазига, мен шунчалар обрў-эътиборга сазовор бўлдим. Шифокорликдай оғир касбни уддалаш учун энг аввало ҳамжиҳатлик зарур экан. Кетаётган аравани кимдир тортмаётгани, дарров сезилади. Қолганларга оғирлик тушади. Шунинг учун ҳамжиҳатлик жуда зарурдир. Тотувлик, меҳр, оқибат бўлмаган жойда, иш силжимайди. Мен шунинг учун ҳам жамоамиздаги ҳар бир одамнинг кўнглига йўл излайман. Билмаслик, тажрибасизлик гуноҳ эмас. Ўрганмаслик, лоқайдлик — жиноят. Буни ҳар бир ходимимизга тушунтираман. Бугун туманимизда фаолият кўрсатаётган акушер-гинекологларнинг асосий қисми менинг шогирдларим. Бугун уларнинг ўзлари ҳам устоз даражасига етишган. Уларнинг ютуқларини ўз ютуғим, иztиробларини ўз изтиробим деб биламан.

Меҳринисо Йўлдошева туман марказий шифохонасида бош шифокор бўлиб ишлаган йиллари кўплаб янги бўлимлар очилди. Шифохонага янги тибиий аппаратуралар, жиҳозлар олиб келди. Қисқа вақт ичида шифохонанинг моддий аҳволи яхшиланди. Бугун ҳам опа раҳбарлигида амалга оширилган эзгу ишлар ҳамюртлари томонидан эътироф этилади.

— Аслида шифокорлик касби оғир, бунинг ёнига раҳбарлик қўшилгандан кейин янада қийинлашаркан. Шунинг учун ўз аризам билан ишни топширдим. Яна ўз бўлимимга ўтдим. Ўзим соғинган, ўзим яхши кўрган ишларимни давом эттирмоқдаман. Инсон ҳамма нарсага, чин маънодаги бахтга, фақат меҳнати туфайли эришади.

4. «Олтмиш беш минг битта болам бор»

— Менинг қулоқларимга гўдак йиғиси ўтириб қолган. Менга кўп савол беришади, нечта фарзандларингиз бор дея. Мен битта фарзандим бор дея ўйлаб қоламан. Йўқ, менинг фарзандларим кўп. Агар эринмасангиз, ҳисобни яхши билсангиз, топингчи ўттиз йилда: ҳар йили уч мингтадан чақалоқ туғилган бўлса, нечта бўлади? Мана шунинг ўзи мени қанчадан-қанча, фарзандларим борлигини билдирмайдими? Мен уларнинг ҳар бирига, оналари қаторида жон берганман.

Меҳринисо опа раҳмшафқатли аёл. Бир неча марта кўп қон йўқотган аёлга қон берганини эшитганман. Оғир бемор бошида тунларни бедор ўтказиш эса опа учун одатий ҳол.

— Бугун ўттиз ёшга кираётган, туманимизнинг баркамол авлоди, менинг фарзандларим, менга бундан ортиқроқ бахт, мукофот бўлмаса керак.

5. Она кўзларидаги нур

— Баъзида ўйлаб қоламан. Тинчлигинг соғлиғинг қаторида бойлигинг экан. Тинчлик, соғлиқ бир вақтда айтиладиган каломлар экан. Мен ҳамма вақт бир туйғу олдида, бир оний лаҳза олдида бош эгаман. Бу ҳолатни сўз билан тасвирлаб бўлмайди. Бу аёл кўзидаги нур. Бу оромбахш, ҳаётбахш нур, фарзандини дунёга келтирган онанинг кўзларида барқ уради.

Бир донишманд айтган экан: «Севгисиз бахт йўқ, қуёшсиз гуллар очилмайди. Аёлсиз шоир ҳам, қаҳрамон ҳам бўлмайди». Мен Меҳринисо опа сингари аёлларимиз олдида ҳамиша қарздорлигимизни ҳис этиб яшайман.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Депутат ва ҳаёт

Агар халқнинг бошчиси яхши бўлса,
Унинг хизматчилари яхши бўлади.
Юсуф Хос ХОЖИБ.

Оқ тўлқинлар

Очерк

Тўғон. Денгиз сатҳидан бир-бир ярим минг метр баландлик. Сув омборининг дарвозаларидан қуйига отилиб тушаётган сув тошларга урилиб осмонга сапчийди, кейин дарё ўзанига шовуллаб қуйилганча олға югуради. Яна тўлқин ортидан тўлқин кўтарилиб қолаверади.

— Бу жойга нега келганимизни биласизми?..

Унинг назари дарёда эди. Эрталаб ҳорғин кўринган эди... Энди эса овози дарё шовқинига басма-бас... Ахир, ҳокимнинг ташвиши озмунчами? Болта Фозилов номли хўжаликка борганимизда ҳам раис унга юрагини бўшатиб олди:

— Шуҳрат ака, мажбуриятни бажардик-ку. 300 тонна уруғлик қолди. «Купава» нави серҳосил чиқди. Битта пудратчимиз 72 центнердан дон олди. Топшириб юборсак, бу йил нимани экамиз?

— Туманнинг юкини ким кўтаради? — ҳоким қатъий эди, аммо раиснинг аҳволини пайқаб юмшади: — Бирор иложи топилар. Энди пахтага қараш керак.

Машинада кетаётганимизда кўчма телефон орқали вилоят ҳокими билан гаплашди. Яна дон, яна мажбурият... У раиснинг арз-додини ўйлаб бораётганини пайқаган эдим. Бундан беш йил олдин ҳеч ким танимаган ёш иқтисодчини хўжалик раҳбарлигига тавсия қилган эди. Адашмади. Бозор Эшдавлатов йигирма йил давомида қолоқликдан чиқа олмаган хўжаликни кўтарди. Қарз эвазига 100 та янги трактор, ускуналар сотиб олди. Қишлоқларни тўла газлаштирди. Одамларнинг қўли пул кўрди. Ғалла ҳосилдорлиги икки йилдан буён вилоятда энг юқори — 50 центнер! Ўтган йили сифатсиз чигит экиб, режадан чиқолмай қолишди. Сабоқ бўлди. Энди уруғлик масаласини кўтараяпти...

Ҳокимнинг хаёлини чалғитмаслик учун газетанинг янги сонига, мамлакатимиз раҳбарининг сўзларига кўз югуртираман: «Ҳозир эски билим ва тажриба билан узоққа бориб бўлмайди»... Вақт фақат олға югураяпти. Айни шу топда, бир ҳафта бурун Чоршанбе қўрғонига борганимизни эслаб кетдим. Шакартери қишлоқ фуқаролар йиғини фаолларидан бири — етмиш ёшли муаллим Яздон Қурбонов билан суҳбатлашгандим.

— Қирқ йил мактабда ишладим, — деганди Яздон бобо. — Ўтган йили «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлашди. Бир донишманд улуғ одамларнинг сафдошлари бир-бирига ўхшаш бўлади, деган экан.

— Қай жиҳатдан ўхшайди? — дейман қизиқиб.

— Мевали дарахтни қайси боғда кўрманг, ҳавас қилмайсизми? — дейди Яздон бобо. — Инсон ҳам шундай. Шуҳрат Алланазаров ижроқом раиси пайтида мактаб қуришга ёрдамлашган. Ҳозир ҳам газ деб борамиз, сув деб борамиз... Барака топсин, халқ билан бирга. Юртга, истиқлолга содиқ! Мен ёшимни яшадим, қўрқмай айтавераман: агар вилоят ёки туманга нафси тийиқсиз, ўзига бино қўйган раҳбар келиб қолса, одамлар кимдан норози бўлишади? Албатта, ҳукуматдан! Шундайларни ҳам кўрдик, болам. Шуҳрат Ниёзович шунча йил ишлаб, бир нима таъма қилгани, бировни ноҳақ сўкканини эшитмаганмиз. Шунинг учун ҳам одамлар ҳукуматдан рози. Мана энди, нима деганимни ўйлаб кўраверинг!

Халқ донишманди Яздон бобо тутқазган жумбоқ — тош ёнғоқ. Уни ҳануз чақиб-чақолмасдим. Рости, бу қотма, кўзойнак ортидан гоҳ ўйчан, гоҳ мулойим боқувчи кишини ўн тўрт йилдан буён биламан. Журналист сифатида: «Режа бажарилдими?», «Плёнка самара бераяптими?», «Нега хўжаликлар ўз вақтида ҳақини ололмаяпти?» каби кўплаб саволларни берганман. Афсуски, бирор марта ўзимга: «Бу одамнинг қанақа орзу армонлари бор, одамлар меҳрини қандай қозонди?», деган саволни бермабман.

«Гулистон» хўжалиги дала шийпонига етиб келганимизда, қуёш анча кўтарилган, нур эпкинлари мўл ҳосил солган чилонжийда баргларида ялт-ялт кўзга ташланарди. Бизни кутиб олган кекса деҳқон Жўра ака Қурбонов ҳоким билан кўп йиллик қадрдонлардай сўрашиб, далага бошлади.

— Ўтган йили 3 гектар ерга помидор экиб, 110 тонна ҳосил олдик, — дейди Жўра ака. — Бу йил 6 гектар. Уруғни японияликлар олиб келишди. Ўзлариям ҳар замонда хабар олиб туришибди. Ҳосилини қаранг, 700 центнердан кам бўлмайди, дейишаяпти. Аммо уруғи бир йиллик экан. Ўзлари кўпайтириб олишмасин дейишганми...

Қани энди, уруғни ўзимиз тайёрласак?!

— Фойда-зиённи японлардан ўргансак ёмон бўлмасди, — дейди Шуҳрат Ниёзович кулимсираб, кейин менга юзланади: — Бугунги кунда асосий масала уруғчиликдир. Шаҳрисабз асосий аҳолиси қишлоқда, зич яшаётган туман. Иш, иқтисод масаласи ҳамиша кўндаланг. Олайлик, бу йил ғалла ҳосилдорлиги 38 центнерга етди. Бу ҳали оз. Агар 5 минг гектар ерда уруғлик дон етиштирсак-чи? Пахта ҳам иқтисодни кўтаради, аммо навни танлаб экиш лозим. Ҳозир 900 гектар сабзавот бор. Буни 2-2,5 минг гектарга етказсакчи? Ўртача 400 центнердан ҳосил олинса, бир гектар сабзавот камида 400-450 минг сўм даромад беради. Мана сизга хазина! Бироқ кейинги пайтда одамлар арзимас ҳақ учун сабзавот экмай қўйишди. Бунинг устига помидор уруғчилиги ёмон аҳволда. Натижада 80 минг тонна помидорни қайта ишлашга қодир «Шаҳрисабз» консерва заводи, ҳамда шу жойдаги «Мевалар камалаги» Ўзбекистон—Британия қўшма корхонаси маҳсулотга муҳтож. Корхона энди замонга қараб ишлаяпти. Шу йилнинг ўзида деҳқонларга 40 вагон ўғит олиб берди. Помидор уруғи етиштириш бўйича илмий тадқиқот институти билан шартнома тузди.

Транспорт харажатларини кўтараяпти. Японялик мутахассисларни ўзлари таклиф қилишди. Чунки, сув текинга ҳеч ким маҳсулот сотмайди. Маҳсулот керакми — деҳқоннинг талабини бажаринг...

Баланд чўққилардан сув оқиб келаётган азим дарё соҳилида туриб, юксак салоҳиятли шаҳрисабзликлар, уларнинг раҳбари ҳақида ўйлардим. Энди кўз олдимда ҳокимнинг ихчам жуссаси эмас, у бош қўшаётган катта ишлар, ташвишлар, орзулари турарди.

— Бу ерга нега келганимизни биласизми? — такрор сўрайди Шуҳрат Ниёзович — Ҳали учрашганимиз — Жўра ака, Бозорбойга ўхшаш минглаб кишиларнинг насибаси шу жойдан бошланиши ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

— Ўн йиллар бурун Хисорак сув омбори қурилишига кўп келганман, — дейман унга жавобан — Танхоз, Оқсув ва бошқа кичик дарёлар қўшилиб, Қашқадарёни ҳосил қилади. Юнон тарихчилари Оқсув дарёси сувини шифобахш, деб ёзиб қолдиришган. Айтишларича, сувида олтин зарралари кўп эмиш.

— Олтин денг, — ўйга толади ҳоким, — Олтин одамларнинг қалбида, дарё сувига баъзан лойқа аралашади. Аммо, юрак тоза, меҳрга тўла бўлмоғи лозим.

Тўлқинлар шовури остида унинг ҳикоясини тинглайман. Отаси Алланазар ака ҳуқуқшунос эди, эллик сакизинчи йилдан то етмиш олтинчи йилгача Қарши туман суди раиси бўлиб ишлади. Унинг серғалва касбини олти фарзандидан бирортаси давом эттиришни истамади. Тўнғичи Шуҳрат Ниёзович ҳам 1971 йилда Тошкент политехника институти қишлоқ хўжалик машиналари инженерлари тайёрлаш факультетини битириб келди. Орада икки йил ҳарбий хизматни ўтади. Техника таъмирлаш бирлашмасида энди иш бошлаган, уйланиш ниятида эди. Аммо туман фирқа раҳбари қасддан уни яна ҳарбий хизматга жўнатди.

— Ўғлим, мен туфайли бўлаяпти бу ишлар, — изтироб чекарди отаси. — Агар котибнинг жиноятчи жиянини оқлаб юборишга кўнсам, сенга жабр бўлмасди. Энди нима қилсамкин?

— Пешонамга беш йил ҳарбий хизмат битилган бўлса, ўтайман. Аммо ҳеч кимга ялиниб бормайсиз! Ахир, ўзингиз адолат ҳар нарсадан улуғ, деб ўргатгансиз-ку?!

Шуҳрат Ниёзович офицер бўлиб яна хизматга кетди. Қурилиш бўлинмаси билан уйлар қурди. Севган қизи — шифокор Ҳабибахонга уйланди. Аммо адолатсизликка тоқат қилолмас, унга қарши қатъий курашарди. Шу сифатлари билан эътиборга тушди. Раҳбарликнинг мураккаб мактабини ўтади: Саксон бешинчи йилда Шаҳрисабз ижроия қўмитаси раиси... Саксон саккизинчи йил вилоят фирқа қўмитасида қишлоқ хўжалик бўлимини бошқарди. Тўқсон биринчи йилда вилоят кенгаши раиси ўринбосарлигидан Шаҳрисабз тумани раҳбари бўлиб келди. Тўқсон иккинчи йил туман ҳокимлигига тайинланди. Одамлар ишонч билдириб, Олий Мажлис депутатлигига сайлашди. Бироқ олдинги йили Шаҳрисабз шаҳри ва тумани қўшилгач,- «ҳоким бўшармиш», деган овозалар тарқалди...

— Хабарим бор бу гаплардан, ҳатто раҳбарликка орзумандларни ҳам биламан, — дейди Шуҳрат Ниёзович бироз маъюслик билан. Кейин тўсатдан сўраб қолди: — Сиз соҳибқирон бобомизнинг қутлуғ тўйи тантаналарини кўрганмисиз?

— Иштирок этгандим, — дейман ғурур билан. — Одамлар майдонда қадларини адл кўтариб туришарди. Сиз қувонч билан тинглардик. Оқсарой қаршисидаги улуғ зотга ҳайкал ўрнатилган хиёбонни тўлдирган одамлар гўё денгизга интилган дарёлардай тўлиб-тошарди. Бу кунни кўп ўйлаганман. Ўзим тополмаган тасвирларни улуғ шоиримизнинг шеърида ўқидим.

— «Денгизимиз ўзингиз», деган эди-я, — сўрайди Шуҳрат Ниёзович. — Бу — сизнинг, менинг, истиқлол қаддини кўтарган халқнинг дилидаги гап! Чунки халқимиз нон-насиба ато этаётган улуғ неъмат — сувга топинади. Шундай эмасми?

— Сув — ҳаёт тимсоли. Менга эса дарё тўлқинлари кетма-кет келаётган авлодларни, улар улғаяётган бешикни эслатади.

— Бешик ҳам — Ватан дегани. Бу бешикда Темур бобомиз улғаймадими. Энди янги авлод камол топади. Уларга янги мактаблар, корхоналар керак. Хуллас, ташвишимиз етарли!

— Дарвоқе, бир нарсани сўрасам, айбситманг. Боя рафиқангиз телефонда ниманидир сўрган эди чоғи?..

— Ҳа-я, бешик олиб келишни, — дейди Шуҳрат Ниёзович қувончини яширмай. — Тўнғич қизимиз Дилрабо шифокор, фарзанд кўриб, Элёр деб исм қўйишибди. Биласизми, бобом менга бешикни Қаршидан келиб Шаҳрисабздан олиб кетган экан. Тақдирни қарангки, ўн тўрт йил умрим шу эл билан боғлиқ бўлди. Энди биринчи набирамизга ҳам шаҳрисабзлик усталар ясаган бешик насиб этаяпти.

Унинг овози тўлқинланди. Кўзойнагини олиб артди. Шунда мен унинг кўзларида дарё тўлқинларидан қолишмайдиган аллақандай кучни, ҳаётга ташналикни идрок этдим. Унинг қалбида ҳам бир мавжли дарё гоҳ сокин, гоҳ шиддат ила узоқларга — ҳаёт уфуриб турган кенгликлар сари оқиб бораётгандай эди.

Эртаси куни ҳоким набирасига бешик сотиб олганини эшитдим...

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Пойабзал деярли ўзгармаган

Бундан 41 йил муқаддам АҚШнинг Миссури штатидаги Арнольд ғоридан археологлар қадимий пойабзалларнинг 35 турини топишган эди. Буни қарангки, уларнинг ёшини ва ниҳоят энди, яъни ўтган йил ёзда аниқлашди.

Радиоуглерод таҳлили шуни кўрсатдики, бу оёқ кийимлари бундан 8300 йил олдин тайёрланган экан.

Ғорнинг иқлими қуруқ бўлгани учун топилмалар жуда яхши сақланган. Олимларни ҳайратда қолдиргани шуки, оёқ кийимлар умумий тузилишида 8 минг йилдан бери деярли янгилик яратилмабди. Демоқчи бўлганимиз, қадимги пойабзаллар орасида худди бугунги кундагидек учли шиппаклар, орқа тасмаси йўқ шап-шаплар борки, бундай мода бугунги кунда ҳам кенг истеъмолдаги ассортимент ҳисобланади. Бундан ташқари баланд пошналилари ҳам бор.

Эндиликда олимлар ўша давр модалари билан қизиқиб қолишди ва бу борада илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Шорасул ЗУННУНОВ

Франция: елканли қайиқлар мусобақаси

«Ариан-42 Р» учирилди

Француз Гвианасидаги Куру космодромидан учирилган «Ариан-42 Р» Европа ракетаси Индонезиянинг алоқа сунъий йўлдошини муваффақиятли тарзда орбитага олиб чиқди. Буни "Арианспейс" компанияси эълон қилди.

Аслида ушбу парвоз 4 августга белгиланганди, лекин техник носозликлар туфайли қолдирилган эди.

Нефть омборида портлаш

Хитойнинг Цзянсу вилоятида нефть омбори портлаши натижасида 9 киши ҳалок бўлди, 7 киши турли даражадаги тан жароҳати олди. Маълумотларга кўра, ҳалокат Нанкин яқинидаги газ станциясида содир бўлган. Портлаш натижасида станция атрофидаги бир нечта уй қулаб тушган. Ҳодиса рўй берган жойда саккиз соат давомида олиб борилган қутқарув ишлари натижасида 16 киши топилиб, улардан фақат 7 нафари тирик бўлган.

Портлаш сабаблари ҳозирча аниқланмаган. Полиция текширув ишларини олиб бормоқда.

Қайлали мусиқа

Қайлали таомлар дастурхонга тортилади, лағмон, бифштекс... Лекин унинг мусиқага нима алоқаси бор, дейишингиз табиий. Жуда алоқаси бор экан.

Питер филармониясининг кичик залида италиялик машҳур композитор Жоаккино Россининг ижодига бағишланган «Санъат лаззати ёки Россини таомлари» деб номланган кеча ташкил этилди.

Бунинг сира ажабланадиган ери йўқ. Таниқли композитор қарилик дамларида ошпазлик сирлари билан шуғулланганди, ҳатто бир жуфт китоб ҳам чоп этганди. Саҳнада питерлик созандалар дунёга машҳур итальян композиторининг асарларини ижро этишаётганда, пазандалар санъаткорнинг рецепти бўйича тайёрланган таомларни мухлисларга тортиқ қилишди. (Албатта, таом баҳоси чипта баҳосига кирмайди).

Ҳар ҳолда оч қорнинг ноғора на ҳожат деганларидай, мухлислар мусиқани қайласи билан «тушиردилар».

Қайлали мусиқа композиторга қанчалар шуҳрат келтирди билмадик-ку, аммо питерлик ишбилармон созандаларга мўмайгина даромад келтиргани аниқ.

Саида САЙҲУН
тайёрлади

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти ҳамда

DM DEMIR GROUP

ширкатлар гуруҳи

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг

8 йиллик

байрамига бағишланган

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни атрофлича ёритган энг яхши мақолаларни эълон қилган республика газеталарининг таҳририятлари орасида

«Ўзбекистон – буюк келажак сари»

танловини эълон қилган эди.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 8 йиллиги байрами арафасида якунланади.

Танлов учун тақдим этиладиган мақола, очерк ва лавҳалар 1999 йилнинг 20 августига қадар «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти қошидаги «Танлов ҳайъати» ихтиёрига (Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тел: 133-65-45) уч нусхада топширишларингизни сўраймиз.

Танловга шошилинг!

Танлов ҳайъати.

Йирик ҳисоблар

Олий ва биринчи лига футбол жамоалари ўртасида мамлакат миллий чемпионатининг 18 ҳамда 21-тур ўйинлари бўлиб ўтди. Қизиғи шундаки, икки учрашувда дарвозаларга 17 та тўп киритилди. Албатта, мухлислар тўпларга бой учрашувларни ёқтиришади. Зеро, учрашувнинг мазмун- моҳиятига қарайдиган бўлсак, тўпларнинг бунчалик кўплиги ўзаро учрашаётган жамоалар кучу имкониятларининг тенгмаслигидан нишона экани аён бўлади. Тўғри, ҳозир «Дўстлик» футболчилари чемпионликка асосий даъвогарлардан бири. Улар қандай бўлмасин биринчи ўринни эгаллаб, мавқеларини мустаҳкамлаб олишга уринмоқдалар. Шунинг учун ҳам «Темирйўлчи»ни қабул қилиб 7:2 ҳисобидаги йирик ғалаба билан очколарини 40 тага етказган ҳолда «Самарқанд»га тенглашиб олишди. Пешқадам «Самарқанд» эса «Хоразм»да 1:1 ўйнаб, очколарини 40 та қилиб олди. Шунингдек, «Нефтчи», «Хоразм», «Пахтакор» жамоалари ҳам мавқеларини бироз яхшилашди. Биринчи лига жамоалари ўртасидаги учрашувлар ҳам ишқибозларда катта қизиқиш уйғотмоқда. «Кимёгар» — «Қизилқум» билан (1:1) ўйнаб (46 та очко) пешқадамликни мустаҳкамлади. Иккинчи ўринда бораётган «Қизилқум» ҳисобидаги очколар эса 45 тага етди. «Семург» ҳам сира бўш келмаяпти. Бу жамоа сафарда «Ситора» майдонида ғалаба (3:0) қозониб очколарини 44 тага етказди. Энди олий лига жамоаларининг қолган учрашувлари ҳисоблари билан танишинг: «Насаф»—«Металлург» — 2:1, «Зарафшон»—«Пахтакор»—2:2, «Андижон»—«Нефтчи»—1:1, «Сурхон»—«Навбаҳор»—1:0, «Трактор»—«Янгиер»—2:0, «Бухоро»—«Суғдиёна»—1:0.

Уларнинг ухлашини кўринг

Лайлакнинг бир оёқда туришини ёш бола ҳам билади. Бироқ унинг бир оёқда ухлашини-чи? Бундай ноёб «истеъдод» нафақат лайлакда, балки қарқара, чуғурчуқ, зоғча ва қораялоқларда ҳам бор экан. Улар ҳам бир оёқда ухлашади. Саъва икки оёғида шохни маҳкам ушлаганча, Малайзия тўтиси ва кўршапалаги эса шохга осилиб олганча «хордиқ» чиқаришади. Олмахонлар жуда чиройли, яъни юмалоқ бўлиб, ўзун думини устига ёпиб ухлайди. Ҳиндистон филлари жуда бесўнақай, яъни ёнбошлаб, тўрт оёғини тарвақайлатганча чўзиб ётса, Африка филлари эса тўрт оёқда тик турганча ухлашади.

Архарларга жуда қийин. Уйқисидаям сергак ётишади. Улар кўпинча суғурларнинг атрофини ухлаш учун ўзларига макон қилиб танлашади. Негаки, суғурлар салгина хавфни сезишса, дарҳол хуштак чалишиб, бесаранжомликдан хабар беришади. Шу пайт архарлар қочиб қолишади.

Дарё қундузлари эса кундузи қуруқликда оёқларини осмонга қилиб ухлашади.

«3-1-Lupo» сотувда

Германиянинг Volkswagen AG концерни шу йил июль ойининг охирида янги «3-1-Lupo» русумли автомобилни сотувга чиқарди. Концерн вакилларининг таъкидлашича, «3-1-Lupo» нинг энг қулай тарафи ёнилғини сз — атиги 3 литр сарфлашидир. Автомобиль «3-1-Lupo» 3 цилиндрли дизель матор билан таъминланган, соатига 165 км йўл босиш қувватига эга, вазни эса 830 килограмм бўлиб, шу тоифадаги бошқа машиналарга қараганда яхши кўрсаткичдир. Ҳозир концерн вакиллари уни 27000 марка деб баҳоламоқда.

«Опель» — «Зафира»

«Опель» фирмаси «Астра», «Вектра» ва «Омега» асосидаги оддий универсаллардан ташқари, «Зафира» ҳам таклиф эта бошлади. Бу машинадан оилавий автомобиль сифатида фойдаланилса, узунлиги 4,32м, кенглиги 1,71 м бўлган ҳолда, унинг ичига 7 киши бемалол сиғади. Мабода иложи борича кўпроқ юк ташишга тўғри келса, салон осонгина юкхона бўлимининг ҳажми икки ўринли шакл олади.

«Зафира» олд юритмали бўлиб, ОКОТЕК оиласига мансуб дизель двигатели ўрнатилган — бу 60 кВт/82 от кучига эга бўлган икки литрли тежамли дизелдир. «Опель» мутахассисларининг ишонтиришига қараганда «Зафира» — ҳақиқий «енгил автомобиль» хусусиятини беради.

Қашшоқликни бартараф этиш

Угандада қашшоқликни тугатиш борасида тайёрланган ҳукумат маърузасида баён қилинишича, мамлакатда 2017 йилгача бу муаммо бутунлай бартараф қилинади. Яқин йиллар ичида мамлакатда озиқ-овқат, ичимлик суви ҳамда аҳолини кийим-кечак билан таъминлаш масаласи тўла ҳал этилади. Шунингдек, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини яхшилаш борасида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилади. Ҳукумат мамлакатда қашшоқликни бартараф этиш борасида махсус дастурга эга.

Савдо марказидаги босқинчилик

Эроннинг Қум шаҳрида уч нафар жиноятчи «Меллат» савдо марказига бостириб кирди. ИРНА ахборот маҳкамасининг маълум қилишича, қуролланган жиноятчилар сотувчилардан пул ҳамда қимматбаҳо нарсаларни беришни сўраган. Сотувчилардан бири қаршилик кўрсатганда жиноятчилар атрофга қарата тартибсиз ўт очган. Натижада икки киши ўлган, 5 киши оғир жароҳат олган.

Ҳозир жиноятчиларнинг икки нафари ҳибсга олинган, бири эса ўзи билан тилла буюм ва 90 миллион риёлни (10 минг АҚШ доллари атрофида) олиб яширинишга улгурган.

Одамхўрлар қўлга олинди

Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида одамхўрлар гуруҳи қўлга олинди. Қўлга олинган уч киши республика руҳий хасталиклар касалхонасининг собиқ ҳодимлари бўлиб, улар 7 кишини ўлдирганликда айбланмоқда.

Қозоғистон ички ишлар вазирлигининг хабар қилишича, декабрь ойида ахлат уюмларидан бирида одам суяклари топилгандан сўнг шаҳарда одамхўрлар пайдо бўлганлиги аён бўлган. 8 ой давом этган қидирув ишлари натижасида жиноятчилар аниқланган ва қўлга олинган.

Вазият кескинлашмоқда

Россия ички ишлар вазирлиги матбуот хизматининг маълум қилишича, Доғистон Республикасида вазият ҳамон кескинлигича қолмоқда. Жангарилар Ботлих туманининг Ансалти, Роҳат, Шадрод, Тандо ва Ашино қишлоқларини ўз қўлларида сақлаб турибди. Жангарилар эгаллаб турган қишлоқлардан келаётган қочоқлар сони тобора ортиб бормоқда. Айни пайтда фақат Цумадин туманидаги қишлоқлар озод этилган.

Ишсизлар сони ошмоқда

Литва меҳнат биржасида мамлакатда ишсизлар сони 138,1 мингтага етгани қайд этилди. Ўтган ойнинг ўзида уларнинг сони 4,5 мингтага кўпайган бўлиб, умуман, 1998 йилдагига нисбатан ишсизлар сони 44,5 фоиз ошган, деб хабар тарқатди ЭЛЬТА ахборот маҳкамаси.

Ичкиликка ружу қўйишмоқда

Россия фуқароларидан 40 фоиз эркаклар ва 17 фоиз аёллар ичкиликка ружу қўйган, деб ёзади «Сегодня» газетаси.

Россия соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига қараганда, Россияда бир киши йилига ўртача 14,5 литр спирт истеъмол қилар экан. Бу 170 шиша спиртли ичимлик демакдир.

«Энг улуғ, энг азиз» танловига

Ўзбек ўрмончилиги

Қашқадарёнинг учдан икки қисми даштликлар, чўллардан иборат десам хато бўлмас. Яйдоқ далаларни кезиб юрар экансиз, табиатнинг яна бир мўъжизасига гувоҳ бўласиз. Ёзда, айниқса, чиллада эсадиган гармсел шамолларининг ўз йўналиши бўлиб, ҳар доим ўша йўналишда эсади. Гўё кимдир уни бошқараётгандек. Катта трасса йўлнинг икки четига қалин қилиб экилган манзарали дарахтлар аслида ҳимоя ролини бажаради. Ўрмончилик ҳақида гап кетганда, дарров кўз ўнгимизга тоғлар келади. Яшил арчазорлару ёнғоқзорлар, дўланалар ғужуми, зирку наъматаклар хаёлимизда гавдаланаверади. Бироқ пахта, ғалла ва бошқа экин майдонларини иссиқ гармселдан ихота қилиш ҳам



муҳим эканлигини мутахассислар айтишмоқда. Ихота қилинган майдонда, ихота қилинмаганига нисбатан 30 фоизгача юқори ҳосил олиш мумкин экан. Мамлакатимиз иқтисодиётида ўрмончиликнинг беқиёс ўрни борлиги ҳам шундан.

1940-60 йилларда барча соҳалар тизимга солингани каби, шўролар империяси ўрмончиликни ҳам тизимга туширишди. Россиядан шишкали, тиконли дарахтлар келтириб экила бошланди. Бизнинг об-ҳаво шароитимизга мос келмаганидан аҳоли унинг соя ларида салқинлай олмай қолишди, қурилишга ҳам деярли яроқсиз чиқди. Акси ўлароқ ўрмонларимиздан дарахтлар тиш ковлагич, қалам ясаш баҳонасида кесиб кетилди. Маҳаллий манзарали, мевали ҳамда ёғочбоп дарахтларни кўпайтириш, борларини асраб-авайлашга эътибор қаратилмади. «Бирни кессанг ўнни эк» мақолимиз ҳам аста-секин эсдан чиқа бошлади. Эсланг: ўтмишда ҳар бир хонадонда ёнғоқ ўстириларди. Аввалларида ота-боболаримиз: ёнғоқ минг хил дардга даво дейишарди, кейинчалик тиббиёт ходимлари такрор-

лашди. Лекин шўролар даврида хонадонлардан ёнғоқ дарахти тоғлар бағрига беркина бошлади. Сабаби: шўролар даврида ёнғоқ хосиятсиз дарахт, у ўзидан заҳарли модда ишлаб чиқаради, нафас олган одамни жинни қилади, соясида ётиб бўлмайди, каби гаплар тарқалди. Мен биламан Андижоннинг Маданият қишлоғида Шариф ота яшарди. Уй айвонининг шундоқ биқинида қадимий ёнғоқ, унинг тагида сўри бўларди. Мана шу пайтгача оила сўрида чой ичади, аммо бирорта одам жинни бўлмаган. Биз истиқлолга эришгач, ўзимизнинг маҳаллий мевали, манзарали ҳамда ёғочбоп дарахтларга алоҳида аҳамият берилди.

Қарши ўрмон хўжалиги бўлимидамиз. Бу ерда асосан кўчат етиштирилар экан. Кўчатзорларни кўриб дилинг яйрайди, гўё турфа ранглар оламига кириб қолгандек бўласан. Бўлим раиси Рўзи Қаҳҳоров бизга кўчат турларини тарифлай бошлайди:

— Мана бу теракларга эътибор қилаяпсизми? Бўлар оқ терак, кўк терак, Калифорния тераги, асосан ёғочбоп дарахтлар. Уларнинг майин шабадада шитрлашию шамолда шовуллаши кишида фикр уйғотади. Бу эса шум тол, бизда

азалдан экилган. Бутун дунёга ясин номи билан машҳур, шум толнинг яна бир номи заранг. Шу ўринда бир воқеа эсимга тушди: Самарқандга иш юзасидан борган эдим, Амир Темур мақбарасини зиёрат қилдим. Мени ҳайратлантиргани эшиклар бўлди. Орадан неча аср ўтса ҳам сифатини, кўркамлигини йўқотмаган. Суриштириб билсам заранг дарахтидан ясалган экан.

— Кўчат етиштириш, уни савдога олиб чиқиш анча мушкул бўлса керак? — атайлаб сўрайман: муаммоларини ҳам ўрганай деб.

— Баъзилар бизнинг ишни ўнчалик менсимайди. Аслида, кўчатлар, яъни нав ниҳоллар ҳам боладек гап. Уни бошидан парваришламасанг, керакли озуқасини вақ-

тида бермасанг айтганингдек, истаганингдек ўсмайди. Нобоп ниҳолни эса ким ҳам сотиб оларди?! Савдога чиқаришга келсак, ҳозирда мавжуд майдондаги кўчатларимизнинг эгаси бор. Сотолмай қоламиз деган ўй йўқ бизда. Биз аввало талабни ўрганамиз, шунга қараб ниҳол етиштирамиз. Хўжаликларга, янги саноат қурилиш майдонларига ўзимиз борамиз, ўрганамиз айтган дарахтини ўзимиз экиб, ўстириб берамиз. Вилоят химкомплекси билан 90 миллион сўмлик шартномамиз бор. 20 миллион сўмлик кўчатни сотишга улгурдик.

— Рўзи ака, айтингчи, неча йилдан буён шуғулланасизлар кўчат етиштириш билан?

— 1996 йилда хўжалигимиз қайта ташкил этилди. Атига 16 киши ишларди. Арзимаган вақтда, кўриб турганингиздек, 160 гектар ўрмонзоримиз, 36 гектар ёғочбоп теракзорлар, 20 гектардан зиёд кўчатхонамиз бор. 212 нафар боғбонларимиз парваришлаш билан шуғулланади. Касби, Баҳористон ва Қаршидаги ер майдонларимизни қўшиб ҳисоблаганда, умумий ер майдонимиз 1 минг 52 гектарни ташкил этади. 50 дан ошиқ турда, 5 миллион туп кўчат етиштираяпмиз. Ҳозирда 100 мингтаси экишга тайёр, 500 мингтаси эса келаси йилга тайёр бўлади. Чунки, ниҳол 1,5-2 метргача ўсмаса тутиш қобилияти кам бўлади.

Яна кўчатзорларни айланаман, тўғрисини айтсам, бу ерда ҳали мен кўрмаган, билмаган ниҳоллар ҳам бор экан. Ў, она табиат, сен шу қадар чексиз, поёнсизсан. Сенинг бағрингда вояга етаётган ниҳоллар, гиёҳлар, ўт-ўланлар қанча, барчасини кўришга, ўрганишга, билишга битта инсон умри етармикан? Сенинг бағрингда инсон ором, умрига ҳаловат топади. Сени топташ нечоғли гуноҳ эканлигини ҳаловатдан лаззат топганларгина англаб етади.

— Рўзи ака, мана бу ниҳол нима, нега ёйилиб ўсади, қаламчалари ҳам кўп?

— Буми? Эй Юсуфжон-эй, саватидан фойдаланасизу дарахтини билмайсизми? Бу карзинкали Ева. Ўзиям карзинкага ўхшаб ўсади. Новдалари кўрсатгич бармоқдек бўлади. Қалинлашмайди. Сават, корзинка, гулдон, ҳар хил

манзаралар ясашда ишлатилади. Саноатбоп дарахт. Кичик корхона ҳам очганмиз. Бундан ясалган буюмлар пишиқлигидан савдода ҳам яхши кетади. Чиройли каталпа дарахтини кўрсатайми сизга, юринг. Бунинг уруғини Хитойдан олиб келганмиз. Ўта хушрўй манзара касб этади дарахт бўлганда. Барглари тиниқ яшил, бежирим, ўзиям шапалоқдек.

Бундан ташқари кўчатхонада Аморфа, Айлан, Дуб, Ёнғоқнинг икки йилда ҳосил берадиган Самарқанд нави, турли хилдаги шафтолилар, зардолилар, оқ ва кўк толлар, қайрағоч ва яна бошқа мевали, манзарали дарахтлар етиштирилар экан. Барча ниҳоллар уруғидан ўстирилиб, вояга етказилади. Хўжалик ёнида боғбонлар қишлоғи бор. Барча хонадонлар газлаштирилган, тоза ичимлик суви билан таъминланган. Сарфхаражатлар эса ўрмон хўжалиги ҳисобидан. Шундан ҳам маълумки, хўжалик фаолиятида мустақиллик сабаб туб бурилиш ҳосил бўлган. Ахир истиқлолимиз одамларни меҳнат қилишга ўргатди. Меҳнатидан даромад олишга имкон яратди.

Кекса боғбон Шербўта ота қизиқ гапни айтиб қолди:

— Ёшим етмишни қоралаяпти. Ёшлигимни эслайман, ажиб буғдойзорлар бўларди, бошоқлари бўлиқ, узун-узун. Томорқамга буғдой эккандим орасида мен болалигимда кўрган ўша буғдой ҳам борлигини пайқаб қолдим. Алоҳида эътибор билан кўкартирдим. Йил сайин туп сонини ошириб бордим. Бу йил тўрт сотих жойга эккандим. Ҳосилини бир кўринг!

— Отахон, бунинг нави борми? - сўрайман.

— Бор-да! Бу ўзимизнинг маҳаллий Туя тиши. Кейинчалик йўқолиб кетган эди. Озодлигимизни кутаётган эканда, яна далаларимизга қайтди.

Ўтирган бўйра, юрган дарё деб шуни айтсалар керакда. Ўзбек халқи азалдан деҳқончилик, боғбончилик билан шуғулланиб келишган. Қолаверса, икки дарё оралиғида жойлашган жаннатмакон юрт тупроғига қуриган чўпни қадасанг бир кун келиб мева бериши тайин гап.

Биз вилоят ўрмон хўжалиги Бош ўрмончиси Бекбўта Араев билан Ғузор туманида жойлашган Шўртангазкимё комплекси сари йўл оламиз. Мазкур мажмуа Ғузор даштида жойлашган бўлиб, бир вақтлари қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган манзиллардан бўлган. Ватанимиз озодликка эришгач, мажмуанинг қурилиши бошланди, унинг атрофини кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор берилди. «Саратоннинг жазирама иссиғида қийналиб қолмайсизларми?» - беихтиёр сўраб қолди Рўзи ака. Аслида шу жазирама бағрида катта бўлганимни айтай дедиму, кўзим чўл бағрида қорайиб кўринаётган дарахтларга тушди.

— Дарахтлар узоқдан ҳам кўзга ташланиб қолибди?..

— Мақтанишни ёмон кўраману, аммо барибир айтишим керак: Бу вилоят ўрмончиларининг меҳнати. Биласизми, бу ерда қурилиш бошлашдан олдин ернинг устки қатлами сидирилиб олинган эди, пастки гипс қатлами юзага чиқиб қолди. Ҳурматли Президентимиз Шўртанга келганларида атрофини кўкаламзорлаштиришга алоҳида урғу бердилар. Янги иншоотнинг ёнида шаҳар барпо этилишини, унда одамлар яшашини эътиборга олинглар дедилар. Уларга ҳам тоза ҳаво, салқин жой кераклигини уқтиридилар. Шу тариқа ўрмончиларимиз ишга киришиб кетишди. Аввалига ҳар бир дарахт тагига баъзида

челаклаб сув қуйдик, қуриб қолмасин деб. Лекин тупроқ қатлами гипс эканлиги панд бераверди. Шундан сўнг маҳаллий гўнг солдик. Коллектор орқали сув олиб келинди. Кундузлари қурувчилар сувдан фойдаланишади, кечалари боғбонларимиз дарахтзорларга сув қуйишади.

Гап билан бўлиб Шўртангазкимё комплекс жойлашган, катта йўлдан 30 км. ичкарига етиб борганимизни билмай қолдик. Чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорликда қурилаётган мазкур иншоот атрофи бетон тўсиқлар билан ўралган. Тўсиқ ташқариси айланма йўл қилинмоқда. Йўлнинг чека тарафида ёнига 38 қатор, бўйига 103 гектар майдонга манзарали, яъни Калифорния тераги, қайрағоч, наъматак ва бошқа дарахтлар экилган. Ахир ҳайратланмай бўладими, чўлнинг ўртасида яшиллик мамлакати — ўрмонзор ташкил қилинса. Ахир гипс тупроқ дегани сув қуйилса бетондек қотади, ниҳолнинг томирини, танасини ривожланишга қўймайди. Кўчатни ўстириш учун тагини доимо нам сақлаш, ерни юмшатиб туриш, — қанча меҳнат талаб қилади. Бундан ташқари 5 минг гектардан зиёдроқ жойга саксовул экиш режалаштирилган. Кўчатларнинг бир қисми экилибди. Вилоят ўрмон хўжалигининг бош ўрмончиси Бекбўта Абраев ҳазил аралаш:

— Рўзи ака, ўрмончиликни заб ўзлаштирибсиз, ҳув, ана у саксовулларни кўкармайди дегандим, барглари тўлишибди. — Рўзи ака менга қараб, Бекбўта камтар одам ҳеч айтмайди. Яқинда юртбошимиз келиб, ўрмонзоримизни айланиб чиқдилар. Ва сидқидилдан раҳмат айтдилар. Тошкентга борганиданоқ қўшимча яна 5 минг гектар ўрмон хўжалигига Шўртан атрофидан ер ажратилишига кўрсатма берибдилар. Қувонмай бўладими, буларнинг бари меҳнатнинг маҳсули-ку!

— Бу ерга келиб боғбонлик қилишнинг ўзи бўлмайди. Боғбонлар нолишмаяптими?

— Биз уларга барча шароит яратиб берганмиз. Эътибор қилган бўлсангиз дарахтлар учга тўрт усулида экилган. Қатор ораларига тарвуз-қовун экишади. Бу жойда етилган қовунлар тилни ёради, тарвузлар ширраси томоқни «бўғади.» Ҳар доим ўзимиз боғбонлар ҳолидан хабар олиб турамиз. — дейди Бекбўта.

— Бундан ташқари чўл зоналаридаги саноат иншоотлари атрофини ҳам ўрмонзорлаштирасизларми?

— Кўчатхонамизга эътибор қилган бўлсангиз, чўл минтақасига мўлжалланган сосна, чиройли каталпа, айлан, саксовул, наъматак сингари ниҳолларимиз мавжуд. Баҳористон, Муборак, Таллимаржондаги саноат ишлаб чиқариш корхоналари атрофини кўкаламзорлаштириш ҳам бизнинг зиммамизда. Қолаверса, Орол бўйи атрофларига ҳам кўчат етказиб берамиз.

Дарахт экиб боғ яратиш аждодий мерос асли. Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ, каби мақол ҳам бежиз туғилмаган. Шўртанда боғбонлик қилаётган Бекмурод Эшонқулов, Омон Бўтаёров, Амир Очилов, Эшпўлат акаю Олимжонлар, қўйинки, жами 38 боғбон ўзидан яхши ном қолдираётганидан мамнун. Одамзотнинг қўлидан келмайдиган иш йўқда, бундан ўнўн беш йил аввал ким ўйлаганди шу жойда ўрмонзор пайдо бўлади деб?! Қилаётган меҳнатинг ўзинг, ўз ватанинг, келажак авлодинг учун эканлигини англаб ишласанг фаолиятингда унум, касбингда барака бўладида.

Биз вилоят маркази Қарши шаҳрига йўл олар эканмиз, яшиллик ўлкасига айланаётган бош-баёвсиз яйдоқ далалар, тухумдан чиққан полопондек қизариб турган адирликлар хаёлимни тарк этмади. 103 гектар майдонда гуркираб ўсаётган турли хилдаги дарахтлар эртага бу жойлар яшиллик мамлакатига айланишидан гувоҳлик берарди.

— Эшитишимизга қараганда, вилоятда мустақиллик йилларида 60 та боғ яратилибди?

— Тўғрироғи, мустақиллигимизнинг етти йиллиги арафасида юртбошимизнинг номларида ушбу 60 та боғ яратилди. Боғнинг умумий майдони 680 гектарни ташкил этади. Олди ҳосилга кирди, ҳадемай эл дастурхонининг янада тўкинлигини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилдаги 62-қарорини ҳаётга тадбиқ этиш учун вилоятимизда амалий ишлар қилинмоқда. Қарорда айтилишича, 2005 йилга бориб Ўзбекистон ўз ёғоч мустақиллигига эришиши керак. Бунинг учун ёғочбоп дарахтларни кўпайтириш, янги-янги ўрмонзорлар яратиш муҳим масаладир. Сиз кўрган Қарши ўрмон хўжалиги бўлимидан ташқари Яккабоғ, Қамаши туманларида ҳам кўчатхоналаримиз бор. Ўзимизнинг Зарафшон арчасини уруғидан кўпайтираяпмиз. Бу арча жуда нозик бўлиб, ўзига алоҳида эътибор талаб қилади. Зарафшон арчасининг уруғи салафан халтачаларига солиниб, кўкартирилаяпти. Шунда унинг мустаҳкам ривожланишига имкон яратилади. Арчанинг яна бир хусусияти бир гектар майдондаги Зарафшон арчаси 20 минг аҳолини тоза ҳаво билан таъминлашга қодир.

— Биз Шўртангазкимё комплексини бориб кўрганимизда ажиб бир манзаранинг гувоҳи бўлдик...

— Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил июнь ойидаги қарорига асосан Шўртандаги комплекс атрофидан 5 минг гектар майдон ажратилди. Газкимё комплекси атрофида экологик вазиятни яхшилаш, кимёвий чиқиндиларни нейтраллаштириш, қурилаётган шаҳарча аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошириш мақсад қилиб қўйилди. Экилган ва экишга мўлжалланган манзарали дарахтлар чанг-тўзоннинг олдини олади, иссиқ гармселдан сақлайди.

Мажмуага яқинроқ жойда, режа асосида сув омбори барпо этилиши, келажакда бу жойлар гўзал ва хушманзара бўлишидан далолатдир.

Умуман, ўрмон хўжалигимиз вилоят бўйича 185 минг гектар ер майдонга эга. Бундан ташқари 7 минг 100 гектар шифобахш гиёҳлар тайёрлайдиган «Қўштол» қўриқхонамиз бор. Мавжуд майдонларнинг 2 минг гектарга яқини суғориладиган майдонлар, қолгани эса чўл, адир ва тоғ зоналарида жойлашган.

Вилоят ўрмончилари мевали дарахтларнинг барча турларини етиштириш билан биргаликда, камайиб бораётган кўк тол, бақа терак, элдор қарағайи, шунингдек эман, қайин, пенселвани заранги каби манзарали, ҳам қурилиш хомашёси ҳисобланган дарахтларни ўстиришмоқда, — дейди биз билан суҳбатда вилоят бош ўрмончиси Бекбўта Абраев.

Яккабоғ вилоятдаги тоғли туманлардан ҳисобланади. Тоғлардан қуйилувчи Қизил ва Турна дарё Ҳисор тоғларига икки зар кокилдек манзара бахш этади. Туман ўзининг шифобахш суви, соясалқин дам олиш масканлари билан ажралиб туради вилоятда. Яккабоғ тоғларида айиқ, бўри, тулки, қорбарс, ёввойи чўчқа, кийик, силовсин, бўрсиқ, жайрон, қуён, суғур, каклик, ҳилол каклик ва бошқа тоғ ҳамда ўрмон ҳайвонларию паррандалари учрайди. Яккабоғ ўрмон хўжалиги ҳақида гап кетганда, тумандагилар ғурурланиб: энг кекса ўрмон хўжалиги бизда мавжуд деб қўйишади. Шўролар империяси ўрмончиликни ҳам тизимлаш мақсадида 1925 йилда Яккабоғ ўрмон хўжалигини расман ташкил этади. Вилоятдаги барча ўрмон хўжаликлари шу Яккабоғ ўрмончилигига қарашли эди. Ҳозирга келиб эса вилоятда ўнта ўрмон хўжалиги мавжуд. Аслини олганда эса ўрмончилик бизда азалдан бўлган. Биргина Соҳибқирон бобомиз Самарқанд атрофларида барпо этган боғ-роғларни эсланг! Қурдирган иморатлари каби кўркини, салобатини шўролар давригача йўқотмади. Мустақилликка эришганимиздан сўнг қайта тиклана бошланди. Ўзбекнинг оиласида ўғил фарзанд туғилса тўрт туп терак экиш одат тусига айланганди бир пайтлар. Бола балоғатга етиб уйли-жойли бўлгунча теракдар ҳам ёғоч учун етилиб турарди.



1953 йилги маълумотга қараганда, Яккабоғ ўрмон хўжалигининг умумий ер майдони 201 минг гектар бўлиб, еттита ўрмончилик бўлимларидан иборат эди. Кейинчалик Қамаши, Китоб, Деҳқонобод, Қарши ўрмон хўжалиги, ҳамда Ҳисор давлат қўриқхонаси ажралиб чиққан. Бугунги кунда Қамаши ва Шаҳрисабз ҳудудларидаги ер майдонини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 36657 гектарга етади. Шундан ўрмон билан қопланган 13.000 гектарни ташкил қилади. Фойдаланилмайдиган 7338 гектардан ташқари барча майдонларда мевали ҳамда манзарали дарахтлар барқ уриб ўсади. Яшиллик масканида нина барғли, шишкали, зарафшон, ўзбаки арчалар қатори, терак, тол, заранг, қайрағоч, сосна, тул, чинор, учқат, наъматак, зирк, дўлана, ёнғоқ бодом, жийда ва бошқа мевали дарахтлар тоғларнинг салобатига салобат қўшиб турибди. Шу қатори қизил китобга киритилган лола, ширач, омонқора,

анзур пиёзи, етмак каби ўсимликлар қўриқланмоқда, табиий шароитда кўпайтирилмоқда.

Яккабоғ ўрмон хўжалигининг майдони Қамаши туманидаги Лангар отадан Шаҳрисабз туманидаги Чолиқ қишлоғигача ястаниб ётибди. Дарёларининг суви тозалигидан маринка балиқлари учрайди. Денгиз сатҳидан баландлиги 1100 метрдан 3000 метргачадир. Хўжалик таркибида Қизилсув, Лангар-I, Лангар-2 хўжаликлари мавжуд.

Вилоят ўрмон хўжалиги бош ўрмончиси Бекбўта Абраев:

— Бу ерда 1998 йили 25 гектар янги ўрмонзорлар ташкил қилинган бўлса, 1999 йилда 50 гектар майдонга мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари экилди. Шу йилнинг охирига бориб яна 50 гектар ўрмон ташкил этилади. 1998 йилда хўжаликни кўчат билан таъминлаш мақсадида 1,5 гектар майдонда 22 турдаги 165 минг дона кўчат етиштирилган бўлса, бу йил 6,5 гектар майдонда 33 турдаги 1 миллионга яқин кўчат етиштирилмоқда, — дейди.

Ўрмончиларнинг ҳам ўзларига яраша ташвишлари бор, ривожланишдан тўхтаган, қуриган дарахтларни ўз вақтида кесиб олмаса яшин ва ички димиқиш натижасида ёнғинга сабаб бўлиши мумкин. Кесилган дарахтларни қайта ишлаш учун кичик цехлар ташкил қилинибди. Мазкур цехда эшик, дераза ромлари, стол, стул, бешик, хонтахта ва бошқа қурилиш материаллари тайёрланар экан. Қолдиқлари, шох-шаббалари эса ишчи-хизматчиларга ҳамда мактаб муассасаларига тарқатиларкан. 1999 йилда режа бўйича 100 метр куб ҳажмда дарахтлар кесилиб, қайта ишлаш цехларига етказиб берилади.

Яккабоғда арчазорларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ахир боболаримиз: арча эксанг тоғда қор туради деб бежиз айтишмаган. Тоғлардаги қорлар эса экин-тикинлар, боғлар учун сув бўлади. Аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам Зарафшон арчаси уруғи 20.000 та салафан қутичаларда кўкартирилмоқда.

Яккабоғнинг яна бир ўзига хос жиҳати республика фармацевтикаси учун доривор гиёҳлар етиштиришда ҳам олдинги ўринлардалигидир. Туман ўрмончилари 1998 йилда жами 4,61 тонна доривор ўтлар тайёрлашди. Булар наъматак - 0,7 тонна, дуғбўй -1,75 тонна, далачой - 0,5 тонна, алқор - 0,6 тонна, зира - 0,1 тонна ва бошқалардир. 1999 йилда эса 6,85 тонна доривор гиёҳ тайёрлаш режалаштирилган.

Тоғларнинг улуғворлиги бағрида минг хил дармон дориларнинг ўсишида ҳамдир. Кексалар: дардини берган шифосини ҳам беради, дейишади. Шифоси эса тоғлар қўйнидадир. Халқимизга хос табибчилик анчайин тор доирага тушиб қолган бўлсада, ҳали ҳам мавжудлиги кишини қувонтиради. Замонавий дори-дармонлар инсон танасининг оғриган жойига фойда қилса, оғримаган аъзосига таъсири борлиги аён. Гиёҳлар барча аъзоларга фойдалидир. Ўсувчан Ҳисор тоғларида ёввойи гулхайри, маврак, жамбил, ялпиз, ар-

бик, бўймадарон, арпабодиён, ёввойи райҳон, бўзбош, андиз каби шифобахш неъматлар гуркираб ўсади. Кийиклар энг зийрак жониворлардир, улар гиёҳлар мўл жойларда макон қуришади, табиатга, одамзотга мўмиё яратишади. Яккабоғ тоғларида кийиклар кўплиги ҳам бағрида гиёҳларнинг мўллигидан.

Қашқадарё ўрмон хўжалиги билан танишар эканман, кейинги икки-уч йил ичида бошқа соҳалар қатори ўрмончиликда ҳам олдинга силжишлар бўлганига гувоҳ бўлдим. Юртимиз озодликка чиқгач ўзлигимизга назар ташлашга, отамиз ким, бобомиз ким англашга, еримиз иқлими, тупроғимиз хусусиятини ўрганишга имкон яратилди. Бизга энди ҳеч ким юқоридан буйруқ бериб фалон нарсани кўкартирасан демайди. Ўз шароитимиздан келиб чиқиб, ўзимизга мосини, иқлимимизга хосини экамиз, ўрмон яратамиз. Келажак авлодлар учун ёғоч мустақиллигига эришиш қатори қоғоз ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришамиз.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Юсуф ЖЎРАЕВ*, навбатчи *Бобомурод РАЙИМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 18.117 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0624

Босишга топшириш вақти – 21.00. Топширилди – 22.40
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА